



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (13.401)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 30 МАРТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “ГАЗПРОМ” КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг “Газпром” компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида нефть-газ соҳасида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик юксак даражада ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда дунёдаги етакчи энергетика компанияларидан бири бўлган “Газпром” Ўзбекистонда геология-кидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, табиий газни экспортга етказиб беришда фаол иштирок этмоқда.

Россиянинг ушбу компанияси билан ҳамкорликда Устюртда ўтказилган кенг қўламли геология-кидирув тадқиқотлари натижасида “Жел” газ конденсати кони очилди. “Шахпакти” кони биргаликда ўзлаштирилмоқда. Ҳозиргача у ердан 3,5 миллиард куб метр газ қазиб олинган.

Бундан ташқари “Газпром” Ҳисор ҳудудида конларни ўрганиш ва ўзлаштириш, қўшимча нефть газларини утилизация қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг тармоқдаги етакчи лойиҳа институти бўлган “ЎзЛТИНефтьгаз” фаолиятини ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга оширишда ҳам иштирок этмоқда.

Учрашувда Ўзбекистонда нефть-газ соҳасини ривожлантириш, жумладан, 2017-2021 йилларда углеводород қазиб олишни кўпайтириш дастури доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди.

Мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малякисини ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Газпром” компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллер Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва ҳамкорликдаги лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Республикаси билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

АЛЕКСЕЙ МИЛЛЕР: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, янги газ конларини топиш ва ўзлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Россиянинг “Газпром” компанияси мамлакатимиздаги углеводород конларини кидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Мазкур компания бошқаруви раиси Алексей Миллер мамлакатларимиз ўртасида ёнилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашим мен учун катта шараф. Бугун шундай бахтга муяссар бўлдим. Суҳбатимиз гўя мазмунли бўлди. Ўзбекистон ҳудудидаги йирик лойиҳаларни ишга тушириш масалаларини муҳокама қилдик. Ўзбекистон газини беш йил давомида харид қилиш бўйича келишувга эришдик. Ушбу масала юзасидан яқин орада шартнома тузиш режаси кўриб чиқилди. Қайд этиш жоиз, мазкур келишув мамлакатларимиз ўртасида газ соҳасидаги узоқ муддатли ҳамкорлигимизнинг янги саҳифасини очди. Келгусида бу йўналишдаги алоқаларимизни янада ривожлантириш ниятида-миз.

Суҳбат давомида 2017-2021 йиллар даврида ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудида янги газ конларини кидириш ва ишга тушириш бўйича ҳам фикр алмашдик.

Айни пайтда компаниямиз томонидан Устюртдаги “Жел” конида газ конденсатини ўзлаштириш бўйича техник вазифа тайёрлаш ишлари давом этмоқда. “Шахпакти” кони биргаликда ўзлаштирилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев мазкур йўналиш бўйича бизга зарур кўрсатма ва тавсияларини айтди.

Ёнилғи-энергетика, умуман, газ соҳаси бўйича юқори маънавият кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдик.

**Ў.А. мухбири
Б.ХИДОЯТОВ
ёзиб олди**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

“ЎЗБЕКИПАКСАНОАТ” УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада пиллачиликнинг озуқа базасини жадал ривожлантириш, ипак қуртини парвариш қилиш ва пилла етиштириш жараёнларини уз-луксиз такомиллаштириш, пилла, хом ипак, ипак калава ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта иш-лашнинг самарали усулларини кенг жорий этиш, ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалти-риш ҳамда қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишни таъминлай-диган ягона ва яхлит ташкилий-технологик ти-зимни барпо этиш асосида пиллачилик тармоғи-ни комплекс ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Мо-лия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Ҳу-сусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ра-қобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбек-енгилсаноат” акциядорлик жамияти, тижорат банклари ва пиллачилик тармоғи ташкилотлари-нинг “Ўзбекипаксаноат” уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг таркибига куйидагилар кирадди:

тижорат банклари ва пиллачилик тармоғи таш-килотлари муассислигида янгидан ташкил эти-ладиган “Ипаксаноат” минтақавий жамиятлари – “Жанубипаксаноат”, “Шимолипаксаноат”, “Марказ-ипаксаноат”, “Водийипаксаноат” ва “Тошкентипак-саноат” масъулияти чекланган жамиятлари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Пилла” ҳудудий бирлашмалари негизида таш-кил этиладиган ҳудудий “Агропилла” масъули-яти чекланган жамиятлари;

туман ва туманлараро “Пилла” масъулияти чек-ланган жамиятлари негизида ташкил этилади-ган туман “Агропилла” масъулияти чекланган жа-миятлари;

ипак қурти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани қайта ишлаш ҳамда ипак газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ташкилот-лар.

2. Куйидагилар “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси-нинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналиш-лари этиб белгилансин:

а) озуқа базасини такомиллаштириш бўйича: тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, тут қаторлари ва тутзорларни кенгайтириш мақ-садида суғориладиган ер майдонлари ажра-тиш бўйича тегишли давлат бошқаруви орган-лари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият орган-лари билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъ-минлаш;

ипак қурти парвариш қилинмайдиган даврлар-да пиллаҳоналар ва тутзорларда иккиламчи фао-лиятни амалга ошириш ҳисобида қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш, уларни ички ва ташқи бозорларда сўтиш;

б) ипак қурти уруғи ва пилла етиштириш, тай-ёрлаш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича:

Уюшма таркибига кирувчи ташкилотларга ипак қуртининг юқори маҳсулдор зотларини яратиш, парвариш қилиш ва сифатли уруғ ишлаб чиқа-ришни йўлга қўйишда қўмаклашиш;

республика ҳудудлари бўйича пилла етишти-ришнинг прогноз ҳажмларини белгилаш, пилла тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари бўйича пилла етиштириш учун буюртмаларни жойлаш-тириш;

сифатли пилла етиштириш ва тайёрлаш, уни дастлабки қайта ишлаш, хом ипак ва ипак кала-ва ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни таш-кил этиш ва маҳсулдорлигини модернизация қилиш-ни ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ишни Ўзбекистон Республи-каси Бош прокуратурининг Ўзбекистон Респу-бликаси прокуратура органларининг 2016 йил-даги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшит-тишдан бошлади.

Ҳисоботда қайд этилганидек, 2016 йилда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўрилганлигини ман-фаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар-нинг олдини олиш борасида прокуратура органлари томонидан катта ишлар амалга оширилди.

Ҳусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, фуқароларнинг саломаатлигини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ижро этили-ши, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дасту-ри, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, Инвестиция дастури бажарилиши мунтазам назорат қилиб борили.

Ҳисобот йилида тадбиркорлик субъектлари-ни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш прокура-тура органлари фаолиятининг энг муҳим ус-тувор йўналишларидан бири бўлди. Тадбир-корларнинг, шу жумладан, тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи давлат органлари ман-сабдор шахсларининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан 43 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди. Назорат тадбирлари давомида тад-биркорлик субъектлари ҳуқуқлари бузилган 19 752 та ҳолат, шу жумладан, уларнинг фаоли-яга қонунчи аралашилган 129 та ҳолат, қонунчи текширув ўтказилган 54 та ҳолат, қонунчи қарорлар қабул қилинган 1 657 та ҳолат, ортиқча йиғимлар ундирилган 657 та ҳолат, жисмоний ва юридик шахслар му-рожаатларини кўриб чиқишда қонун ҳужжатла-ри бузилган 887 та ҳолат аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича прокуратура томонидан те-гишли чоралар кўрилди.

Солиқ ва валюта жиноятлари ҳамда жи-ноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича муайян ишлар бажарили-ди. 832,7 миллиард сўмлик солиқлар ва тўлов-ларнинг қўшимча ҳисобланishi таъминлан-ди, валюта соҳасида 771 ҳуқуқбузарлик аниқ-ланди.

Прокуратура органлари томонидан жино-ятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар-нинг олдини олиш, тежкор-кидирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш борасида идо-ралараро ҳамкорликни такомиллаштириш чо-ралари кўрилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги телефон му-рожаатларини қабул қилиш марказининг 34 та вазирлик ва идора билан электрон алоқа

тизимининг самарали ишлаши таъминланди. 2016 йилда Марказ томонидан 103 063 та, тадбиркорлардан 3394 та муурожаат қабул қилинди. Прокуратура органлари томонидан жами 194 817 та муурожаат кўриб чиқилди, 173 080 нафар фуқаронинг қабул қилиниши таъминланди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ҳал-қаро ҳамкорлик янада ривожлантирилди.

Сенаторлар ҳисоботни ҳар томонлама тах-лил қилиб, 2017 йил 7 январь куни прокура-тура органларининг бир гуруҳ ходимлари бил-ан учрашувда мамлакатимиз раҳбари томо-нидан қўйилган ҳамда жамиятда адолатни янада мустаҳкамлашда, қонун устуворлигини таъминлашда, жисмоний ва юридик шах-сларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонунчи манфаат-ларини ҳимоя қилишда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда прокуратура органлари роли ва нуфузини оширишга қар-тилган вазифаларни рўйга чиқариш бора-сида Ўзбекистон Республикаси Бош проку-ратураси томонидан таъсирчан чора-тадбир-ларни янада кучайтириш лозимлигини таъ-кидлади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Рес-публикаси ички ишлар вазирининг ички иш-лар органларининг жиноятчиликка қарши ку-рашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи-ни эшитди.

Ҳисоботда қайд этилганидек, республика ички ишлар органларининг ўтган йилдаги фао-лияти мамлакатда хавфсизлик ва барқарор-ликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, жиноятчиликка қарши ку-рашиш самарадорлигини оширишга, жомоат тартиби сақлашнинг таъминлашга, фуқаро-лар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жомоатчи-лик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш-га, фаолиятнинг шу соҳаларида аниқ нати-жаларга эришишга қаратилди.

Ички ишлар органлари фаолиятини таш-кил этишга замон талабларига жавоб бера-диган янги ёндашувларни татбиқ этиш, жи-ноятчиликка қарши курашишга жомоатчилик-нинг кенг қатламларини жалб қилиш, профи-лактика инспекторларининг бевосита аҳоли орасида иш олиб боришини ташкил этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш на-тижасида жорий йилнинг ўтган даври мобай-нида республиканинг 5 253 та маҳалласида бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Жиноятнинг асосий кўрсаткичлари, шу жумладан, аввал судланганлар, жиноятчи гу-руҳлар ва вояга етмаганлар томонидан со-

дир этиладиган ўта оғир жиноятлар, ҳуқуқбу-зарликлар сонини анча камайишига эришилди. Шахсга қарши жиноятларни очиб ва тергов қилишда, гўёҳанд моддалар ноқонуний ай-ланишига, одам савдосига, терроризмга, ди-ний экстремизмга ва уюшган жиноятчилик-ка, шунингдек, иқтисодиёт соҳасидаги жино-ятларга қарши курашишда муайян ижобий натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, ҳисоботда таъкидланган-дек, жорий йилнинг 9 февралда ИИБ органлари ходимлари билан бўлиб ўтган йи-ғилишда давлатимиз раҳбари томонидан бил-дирилган фикр-мулоҳазалардан ички ишлар органлари, вазирлик раҳбарияти тегишли ҳу-лосалар чиқариб олди. Ички ишлар органла-ри фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва кам-чиликларни ҳал қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир ишларни тубдан яхши-лаш, мамлакатда ҳуқуқий тартибни таъмин-лаш бўйича кенг қўламли ишлар ташкил этил-ди.

Ҳусусан, профилактика инспекторлари фао-лиятини баҳолашнинг рейтинг тизимига асос-ланган мезонларни ишлаб чиқилди, ички иш-лар органлари барча бўғинлари раҳбарлари томонидан аҳоли олдига мунтазам ҳисоб бе-риш амалиёти жорий этилди. Ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан ислох қилиш, ички ишлар органлари хизматини бе-восита аҳоли пунктларида ташкил этиш орқа-ли жиноятчиликка қарши курашиш самара-дорлигини ошириш юзасидан таклифлар тай-ёрланди. Жойларда ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш, профилактика инспекторларини улар фаолиятига хос бўлмаган қўшувлардан озоқ қилиш, уларнинг жомоатчилик билан ало-қаларини кучайтириш бўйича мунтазам иш-ларни ташкил этишга алоҳида эътибор қар-атилмоқда.

Жиноят содир этганлиги учун кидирувда бўлган шахсларни аниқлаш ва қўлга олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва судлар билан ҳамкорликда жиноятларни фош қилиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида идоралараро ички гуруҳлар ту-зилди. Жиноятларни содир этиш сабаблари, шарт-шароитлари ва омилларини ўрганиш бўйича ишлар ташкил этилди. Содир этил-ган ҳар бир жиноят ҳолатларини муҳокама қилиш учун йиғилишлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мазкур йиғилишларда ички иш-лар органлари раҳбарлари, профилактика ин-спекторлари ва маҳалла фаоллари иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази, вилоят ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада 180 дан ортиқ инновацион ишланма ва илмий лойиҳалар намоиш этилди.

● Нукусда Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Республика “Инсонийлик” ўқув-услубий марказида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг 2016 йилда амалга оширган гуманитар фаолияти ва жорий йилдаги вазифаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Фарғонада “Мулоқот маданияти – оилалар билан самарали иш олиб боришнинг муҳим омили сифатида” мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Фарғона вилояти хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жомоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Фарғона шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, жомоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.



● Буюк Британиянинг телекоммуникациялар бошқармаси томонидан ўз йўналиши бўйича энг йирик BT компанияси юқори тезликка эга технологияларни жорий этиш юзасидан ўз зиммасидаги ишларни пайсалга солганлиги боис 42 миллион фунт стерлинг миқдордаги жаримага тортилди. Шунингдек, BT соҳадаги корхоналарга 300 миллион фунт стерлинглик тоvon пулини ҳам тўлайдиган бўлди.

● Камбоджада сув ичиш учун 3 метр чуқурликка тушиб, лойга ботиб қолган ва тўрт кун давомида шу ерда қолиб кетган 11та фил мамлакат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ҳамда кутқарув гуруҳи томонидан ботқоқдан чиқариб олинди ва чангалзорга қайтарилди.

● АҚШ статистика агентлиги ер юзида бир сонияда чақалоқдан кўра, мобил SIM карталар кўпроқ дунё юзини қўраётганлигини маълум қилди. Зеро, сайёрамизда ҳар сонияда икки нафар чақалоқ туғилса, бу вақтда ўн дона SIM карта ишга тушади. Бунга сабаб айни пайтда дунё аҳолисининг 7,2 миллиарди мобил қурилмасидан фойдаланишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ“ЎЗБЕКИПАКСАНОАТ” УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

в) пиллани чуқур қайта ишлашни ташкил этиш бўйича: иппакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш, унинг энг хариддориги турлари ва дизайнини ўзлаштириш, тармоқ маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усуллари кенг жорий этишга доир ишларни самарали ташкил этиш;

маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, иппак маҳсулотлари нархини шакллантиришнинг мақбул механизмни яратиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда тайёр иппак маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш;

г) тармоқни жадал ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича:

пиллачилик тармоғини ривожлантириш борасида қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсатини изчил юритиш ҳамда ички ва ташқи бозордаги нархлар мониторингини олиб бориш; норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, имтиёз ва енгилликлар бериш, халқаро молиявий институтлар ва доир мамлакатларнинг маблағларини жалб қилиш орқали Уюшма таркибига кирувчи ташкилотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қўмаклашиш;

Уюшма таркибига кирувчи ташкилотлар манфаатларини қўллаб, давлат боғини тўламадан судга даъво аризалари тайёрлаш ва тақдим этиш ҳамда давлат органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

“Иппаксаноат” минтақавий жамиятлари ва пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг муассислари ҳисобланади;

“Bukhara Brilliant Silk” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ҳамда Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари “Жанубипаксаноат” масъулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

“Аскабанк” АТБ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари “Шимолпаксаноат” масъулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

“Агробанк” АТБ ҳамда Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари “Марказипаксаноат” масъулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари “Водийпаксаноат” масъулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

“Узсанотқурилишбанк” АТБ ҳамда Тошкент ва Сирдарё вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари “Тошкентпаксаноат” масъулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

4. “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг ташкилий тузилмаси, унинг бошқарув ҳодимларининг чекланган сонини 40 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси ҳамда “Иппаксаноат” минтақавий жамиятларининг намунавий тузилмаси 1, 2 ва 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раисига, зарурат бўлганда, бошқарув ҳодимларининг белгиланган умумий сони доирасида ижро этувчи аппаратнинг тузилмасига ўзгариш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгиллаб қўйилсинки:

“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг раиси ва унинг ўринбосарлари муассислар умумий йиғилишининг қарори билан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқланади ҳамда мақомига кўра

тегишли равишда вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ижро этувчи аппарати ва “Иппаксаноат” минтақавий жамиятларининг жорий таъминоти ва фаолиятини молиялаштириш уларнинг таркибига шартнома асосида кирувчи пиллачилик тармоғи ташкилотларининг ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ва “Иппаксаноат” минтақавий жамиятларини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс равишда янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклансин.

Ишчи гуруҳ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги устувор вазифаларга эътиборини қаратсин:

Уюшма ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, пиллачилик соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

янги тўзторларни барпо этиш, тут қаторларини кенгайтириш ва мавжуд тўзторларни модернизация қилиш орқали пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

иппак қурти уруғининг маҳсулдор зотларини яратиш ва жорий этиш, импортни қисқартириш ва келгусида республиканинги ички эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадида уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;

пилла етиштириш ва тайёрлаш ҳажмларини босқичма-босқич кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш, иппак қуртининг маҳсулдорлигини ошириш;

пиллага дастлабки ишлов беришнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини хатловдан ўтказиш, ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

пиллачилик тармоғи ташкилотларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кўмир, полиэтилен, полипропилен, минерал ўғитлар ва ёқилғи-ойлаш материалларини ўз вақтида, тартибга солинадиган нархлар бўйича ажратиш орқали белгиланган тартибда моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ҳамда пиллачилик тармоғининг ҳўжалик юритувчи субъектларини электр энергияси ва табиий газ билан ўз-ўзидан таъминлаш;

сифат менежментининг замонавий усуллари, тайёр маҳсулотнинг хариддориги турлари ва дизайнини кенг жорий этиш, унинг халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштирилиши ва стандартлаштирилишини таъминлаш;

кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида пиллачилик тармоғи учун кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш ва янгиллаш.

7. 2023 йил 1 январгача:

иппак қурти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш, тайёр иппак маҳсулотлар ҳамда пиллачилик тармоғи учун ёрдамчи материалларни (сунъий пилла ўраш дасталари) ишлаб чиқаришдан олинмаган даромаддан – юридик шахсларнинг ягона солиқ тўловини тўлашдан;

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда иппак қурти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари томонидан олиб келинадиган пилла йиғириш ва иппак газлама тўқиш дастгоҳларининг эҳтиёт қисмлари, тут дарахти қўчатлари, иппак қуртининг суперелита, элита ва санотат уруғлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин;

уй шароитида тирик пилла етиштириш билан шўғулланувчи (қасаначи)лар – жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи тўлашдан озод этилсин;

пилла етиштирувчи ташкилотлар – пилла етиштириш билан шўғулланувчи қасаначилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари бўйича ягона ижтимоий тўловдан озод этилсин ва бундан бўшган маблағлар қасаначилар ва ишчи-пиллакорларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг пиллачиликни, пиллачилик тармоғи ишчилари ва тирик пилла етиштириш билан шўғулланувчи қасаначиларни қонун ҳужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсум ишланган даврлари уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва санотатнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг буюртманомаларига кўра пиллачилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг буюртманомаларига кўра пиллачилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божни ундирилмасдан кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг буюртманомаларига кўра пиллачилик тармоғида ишлаш учун юқори малакали хорижий мутахассислари (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

12. “Ўзбекипаксаноат” уюшмасига Уюшма аъзоларининг манфаатларини қўллаб судга даъво аризаларини тақдим этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Ўзбекипаксаноат” уюшмасини белгиланган тартибда телекоммуникация тармоқларига, жумладан, ҳўкумат алоқасига улашни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Ҳўсусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Тошкент шаҳри ҳокимлиги “Ўзбекипаксаноат” уюшмасини жойлаштириш учун Тошкент шаҳри, Мирзо Ҳўлбег тумани, Исмоил ота кўчасидаги 1-а уйдан ижара ҳақи бўйича “ноль” ставкасини белгиланган ҳолда зарур амалга ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 29 мартЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ЎЗБЕКИПАКСАНОАТ” УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистонда пиллачилик соҳаси қадим тарихий ва ўзининг қўп асрлик анъаналарига эга.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврлардан бошлаб пиллачилик соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратиш, жаҳон бозорига рақобатбардор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Ўртимиздаги қўлай табиий-иқлим шароитлари иппак ишлаб чиқариш соҳасидаги бой маданий-тарихий меросни муносиб давом эттириш ва республикамиз ҳудудларида пиллачиликни янада ривожлантириш имконини бермоқда. Бугунги кунда мавжуд 80 миллион тут тут қаторлари ва 51 минг гектар майдондаги тўзторлардаги мавжуд озуқа базаси ҳисобига йилгига 450 минг тутидан ортиқ иппак қурти парваририлган, 26 минг тонна пилла етиштирилмоқда.

Шу билан бир қаторда, кимё санотининг жадал ривожланиши, сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши жаҳон бозорида табиий иппак маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайишига олиб келди.

Пиллани қайта ишлаш корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш тананҳарини пасайтириш, тайёр маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилашдан манфаатдордир.

Таҳлилий натижалар бугунги кунда иппак қурти уруғи етиштиришга иқтисослашган маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш технологияларининг эскирганлиги ва модернизация қилинмаганлигини кўрсатмоқда. Соҳага тизимли ёндашув ва мувофиқлаштиришнинг етарли даражада эмаслиги оқибатида мазкур корхоналар мамлакатимиздаги иппак қурти уруғига бўлган талабни тўлиқ таъминламайди.

Вужудга келган иппак қурти уруғи етишмовчилиги ўрнини қоплаш учун ҳар йили 230-250 минг қўти иппак қурти республикамизга импорт қилинмоқда ва бу тармоқ корхоналари эҳтиёжининг 50 фоизини ташкил этмоқда.

Мавжуд тўзторлардан фойдаланиш, уларни сақлаб қолиш ва мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароитларига мос лаволадиган,

озуқа қиймати юқори бўлган тут қўчатларини экиш талаб даражасида ташкил этилмаганлиги, тут плантацияларида тегишли агротехник тадбирларнинг амалга оширилмаслиги тўзторлардаги, дала ва йўл четларидаги тут туп сонлари ва ҳосилдорлигининг йил сайин пасайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларда иппак қуртининг аҳоли хонадонларида боқилиши бир қатор нуқуллайликлар туғдириб, мавсумдан кейин пилла боқилган хонадонлари таъмирлаш аҳоли учун сезиларли даражада молиявий харажатларни талаб қилади. Хонадонларда пилла боқиш учун зарур шароитларнинг етарли эмаслиги ҳам юқори сифатли ва қўтилган пилла ҳўсилани олиш имконини бермайди.

Шунингдек, пиллакорларнинг етарли даражада ва ўз вақтида моддий рағбатлантирилмаслиги уларнинг пилла боқишга бўлган қизиқишини сўндирмоқда.

Пиллани қабул қилиш ва унга бирламчи ишлов бериш ишлари ханўзгача маънавий эскирган ва катта харажат талаб қилмаган ускуналар билан жиҳозланган туман “Пилла” корхоналари томонидан амалга оширилмоқда. Уларга етарли микдорда ҳўжаларлар бириктирилмагани оқибатида иппак қурти уруғини ишлаб чиқариш корхоналари наслили пилла билан тўлиқ ҳажмида таъминланмапти.

Пилла хомашёси етарли ҳажмида ишлаб чиқарилаётганлиги ақсарият пиллани қайта ишлаш ва иппакчилик корхоналарининг тўлиқ қувват билан ишламасдан, йилгига 4-5 ойлаб фаолиятини тўхтатиб қўйишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда тармоқ нуфузини ошириш учун озуқа базасини жадал ривожлантириш, сифатли иппак қурти уруғи етиштириш тизимини кенг йўлга қўйиш, санотатбон пилла хомашёсини етиштириш ва пиллани қайта ишлаш корхоналарининг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш баробарида тайёр рақобатбардор маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқиш ва соҳанинг экспорт имкониятини тўбдан яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Тармоқда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ тижорат банклари иш-тирокида таъсис этиладиган, ўзига маълум ҳўжалик зоналари бириктириладиган, ҳудудларда пиллачилик тармоғи корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирадиган бешта минтақавий жамиятдан иборат “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳудудда ва туман “Агропилла” корхоналарини ташкил этиш, улар зиммасига сифатли иппак қурти уруғини пиллачилик билан шўғулланувчи қасаначилар ва ташкилотларга тарқатиш, иппак қуртини парваририш ва пилла етиштириш бўйича консултация хизматлари кўрсатиш, пилла етиштириш жараёнини мониторинг қилиш, пиллани йиғиш ва тайёрлашни амалга ошириш каби вазифаларни юқлаш кўзда тутилмоқда.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари сифатида тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлаш учун сўғорилмадан ери майдонларини тақдим этиш бўйича тегишли маҳаллий давлат бошқаруви ва ижро ҳокимияти органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, тут плантациялари ҳўшида ва тут ораларида иккиламчи фаолиятни, жумладан, сабзавотчилик, қорвақчилик, паррандачиликни йўлга қўйиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотиш белгиланган.

Қарорда сифатли иппак қурти уруғи ва пилла хомашёси етиштириш, унга бирламчи ишлов бериш, иппак ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларини модернизация қилиш орқали пиллани чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш, пиллачилик тармоғини ривожлантиришга доир дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, тизимли ягона илмий-техник, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсатини изчил амалга ошириш, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва меъёрий-ҳўқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида қарорга мувофиқ пиллага бирламчи ишлов бериш тизимини такомиллаштириш, сифат менежментининг замонавий усуллари, тайёр маҳсулотнинг харидориги турлари ва дизайнини кенг жорий этиш, уни халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, олий таълим муассасаларида пиллачилик тармоғи учун кадрлар тайёрлаш бўйича тақ-

лифлар ишлаб чиқиш учун Ишчи гуруҳ тузилди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, пилла етиштириш ўзига хос фаолият тури бўлиб, унда муваффақиятга эришиш тармоқда меҳнат қилаётган ишчилар тажрибаси ва моддий манфаатдорлигига боғлиқ. Қарорда пиллачилик соҳаси корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, модернизация қилиш, озуқа базасини ва пилла етиштиришни кўпайтириш, пиллани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида 2023 йил 1 январгача корхоналар ягона солиқ, ягона ижтимоий тўлов ва божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари)дан озод қилиниши, касаначиларнинг жисмоний шахсларга ҳисобланадиган даромад солиғидан озод қилиниши, шунингдек, пилла боқувчилар ва қасаначиларнинг пилла мавсумидаги даврда бажарган ишлари уларга пенсия таъминлашда бир йиллик иш стажидеб ҳисобланиши алоҳида белгиллаб қўйилган.

Ушбу имтиёзлар бир томондан пиллачилик соҳаси, иппак қурти уруғи ва пилла етиштирувчилар, иккинчи томондан пиллани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш санотати учун катта имконият ва қўлайликлар яратиб беради. Пилла етиштириш билан банд аҳолининг моддий манфаатдорлиги кучаяди.

Қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши пиллачилик тармоғининг барча жиҳатини қамраб оладиган ҳамда унинг жадал ривожланишини таъминлайдиган ахлит бошқарув тизимини яратиш имконини беради.

Озуқа базасининг мустаҳкамлишини ва кенгайиши, пилла етиштириш мажмуаларининг бевосита тўзторлар яқинида барпо этилиши, 2 баробар кўп ҳосил берадиган, озуқа қиймати юқори ва совуққа чидамли тут қўчатларининг олиб келиниши пилла етиштириш ҳажмларини 35 минг тонна (135 фоиз) ошириш ҳамда юқори қўшмача қийматга эга маҳсулотлар, шу жумладан, шойи газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2021 йилга бориб умумий етиштирилган пилла ҳажмида пиллани қайта ишлаш ўлчами 50 фоизга оширилади, янги иш ўринлари яратилади, маҳсулот экспорти ҳисобидан валюта маблағлари тушуми ортади.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ
МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳисоботда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қўлини ўзига хос самара бераётганлиги қайд этилди. Кенг жамоатчилик, ҳокимликлар, ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирокида ҳар пайшанба кўни ташкил этиладиган жиноятларнинг олдини олишга доир комплекс тадбирлар, ҳўсусан, ёшлар ва воёга етмаганлар ўртасидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, уларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг машғулотларда қатнашиш давоматини муҳофиза қилиш, бу борада тартиб ўрнатиш юзасидан таълим муассасалари мазмурияти ва ота-оналар жавабгарлигини ошириш бўйича ташкилий-тушунтириш тадбирлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ҳисоботни муҳофиза қилиш чоғида сенаторлар томонидан ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга, ҳодимлар, айниқса, профилактика инспекторлари учун муносиб хизмат ва маъий шарт-шароитлар яратишга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар берилди. Сенаторлар ички ишлар органлари ҳодимларининг касб савиясини ошириш ишларини жиддий равишда яхшилаш, шу мақсадда минтақавий семинарлар ўтказиш зарурлигини қайд этдилар. Одамлар дарду ташвишларига бефарқ муносабатда бўлган, қонунни суиистеъмол қилган ва бузган ҳодимларга қисбатан ўз вақтида қатъий чоралар қўриш мўҳимлиги таъкидланди. Сенаторлар қайд этганларидек, жиноятга қарши курашиш ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ички ишлар органлари фаолиятининг тўбдан яхшиланиши Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг мўҳим шарти ҳисобланади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофиза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Таъкидланганидек, Табиати муҳофиза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йилдаги фаолияти ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг усту

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишганларида улуғвор қад ростлаган маҳобатли замонавий кўприклар, кенг ва раван йўллар, қурилаётган корхоналар билан бир қаторда Увайсий номидаги маҳаллада ҳам бўлиб, бу ерда бунёд этилган янги маҳалла марказида аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишганларида маҳалла аҳли бир оила каби ишончи, муштаҳам рўшдалар билан ўзаро боғланиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қуйида ҳамшаҳарларимизнинг янги турдаги замонавий маҳалла маркази ҳақидаги дил изҳорларини келтириб ўтамыз.



Фахр

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР — ШАҲРИМИЗ КЎРКИ



Дилшод МАХБУБОВ,
Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳалла фуқаролик йиғини раиси:

— Аввало шуни айтишим жоизки, муҳтарам Президентимизнинг маҳалламизга ташрифи барча маҳалладошларимизни қувонтириб юборди.

Дарҳақиқат, маҳалламизни бугун кўрган ҳақиқат асло танимайди. Бу ерда кейинги 5 ой давомида турли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада қисқа фурсат ичида замонавий маҳалла маркази фойдаланишга топширилди. Болажонларимиз учун 3 та болалар майдончаси, 7 та замонавий тренажёрлар қуриб берилди. Маҳалла марказимизда ҳамма шарт-шароитлар яратилди. Китебхонага бой кутубхона, нурунийлар дам олиш маскани, маҳалла раиси, котиб, маслаҳатчилар, профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналар қад ростланди. Профилактика инспектори хонаси маҳалла ҳудудидagi жамоат объектларида ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиб туриш имконини берувчи монитор билан жиҳозланган.

Замонавий чойхона, новвойхона, "Гўзаллик салони", дўконлар маҳалламиздаги 5 мингдан ортиқ кўп миллатли аҳил-ҳамжихат аҳоли хизматида. Фурсатдан фойдаланиб, тадбиркор

Хусан Ибрагимов хусусий корхонасига ҳомийлик ёрдами кўрсатгани учун алоҳида миннатдорлик билдираман. Ортимида бундай саховатпеша инсонлар кўпаяверсин.

Уйлаиманки, янги маҳалла маркази одамларни ўзаро жипслаштиришга, халқимизга хос дўстлик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат фазилатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Гулчеҳра ШУКУРОВА,
Учтепа туманидаги 116-мактабнинг биология фани ўқитувчиси:

— Увайсий номидаги маҳаллада аҳоли учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, тўқилганимиз кетдим. Маҳалла раис ошод ва кўркам бўлибди. Айниқса, раис, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналарнинг қурилгани, спорт ва болалар майдончалари, маиший хизмат нуқталари қилининг ҳавасини келтиради. Янги маҳалла марказидан ўрин олган кутубхонанинг фаолият бошлаши менга жуда маъқул бўлди.

Бинобарин, ёшларимиз китебхонага ошно бўлиб, билимларини оширган ҳолда улғайса уларнинг келажаги янада истиқболга ва порлоқ бўлади. Бизнинг "Зулфизар" маҳалламизда ҳам ана шундай кутубхона очилса нур устига аёло нур бўлар эди, дея орзу қиламан. Чунки, китебхона маънавият сарошмаси, эзгулик бекаси, яхшилик тимсоли ҳисобланади.

Умуман, маҳаллаларда кутубхоналарнинг очилиши фарзандларимизнинг онгига тафаккурини чарқлашда муҳим аҳамият касб этади. Китеб ўқиш жараёнида ёшлар ҳар бир сўзнинг маъни ва мазмунини чақишга, воқеаларни таҳлил қилиб, баҳо беришга интилади. Бу элиб баркамол авлоднинг шуурини оширади ҳамда хотирасини муштаҳамлайди. Шу билан бирга дунёқарашини бойлатади.

Бобур НОДИРХОНОВ,
"BUMA" хусусий корхонаси раҳбари:

— Кейинги беш-ўн йилда мамлакатимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йирик лойиҳалар асосида кўплаб заводлар ва ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Янгида янги темир йўл линиялари, автомобиль йўллари, кўприклар ва бошқа бир қатор иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Хусусан, пойтахтимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари шаҳримиз аҳолисини қувонтирмасдан қолмайди, албатта. Бир-биридан қўрқам боғу ҳисобларин, чироғли ва раван йўллар, янги қурилаётган кўприклар, лифтоллар ўттиш йўлақлари шаҳримизнинг янада гўзал бўлишига ҳисса қўшган ҳолда аҳолига кўплаб қулайликлар яратмоқда.

Маҳаллаларимиз янада обод ва кўркам

бўлиб бормоқда. Айниқса, Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳалланинг янгида бунёд этилган марказини кўриб жуда ҳавасимиз келди. Маҳаллани обод қилишда саховатли тадбиркорларнинг ҳисса қўшгани халқимизга хос гўзал фазилатларнинг бир белгисидир.

Яна ҳам эътиборлиси эса марказда кутубхонанинг ташкил этилганидир. Барчамизга яхши маълумки, ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, билими ва етук инсон бўлиб воқеа етишида китебнинг ўрни бекиёсидир. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари томонидан китеб муролааси ва китебхоналик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ёшларимиз қанчалик кўп китеб ўқиса, вақтларини мазмунли ўтқазса, билими ва ақл-заковатли бўлса улардан, албатта, кўплаб олимлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва бошқа етук касб эгалари етишиб чиқади.

Бу каби хайрли ишлар бошқа маҳаллаларда ҳам олиб борилса, маҳалла марказлари қошида албатта ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтқазишда муҳим омил бўлган спорт майдончалари ва кутубхоналар ташкил этилса нур устига аёло нур бўлар эди. Маҳалладаги зиёлилар, тадбиркорлар ва фаоллар кутубхоналарни зарурий адабиётлар билан тўлдиршига ҳисса қўшсалар яна ҳам мақсада мувофиқ бўлар.



Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.
Ш.Иноков,
Шайхонхур тумани

— Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, иқтисомий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тўтувчилигини таъминлашга қаратилган. Дарҳақиқат, ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, муаммоларнинг ечими судга бориб тақалади. Бироқ, ҳамма ҳам судга мурожаат қилишни тартиби, йўл-йўриқини билвермайди. Миллий қонунчилигимизда мазкур масаланинг ечими батафсил ёритиб берилган.

Аввало шуни аниқлаб олиш керакки, суд аксарият одамлар тасаввур қилгани каби жазоларни муассаса эмас, балки адолатли қарор топтирадиган, бўзилган ҳақ-ҳуқуқларни тиклайдиган органдир. Конституцияимизнинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланган. Фуқароларнинг мурожаатини судларда кўриб чиқиш тартиби ва мuddати Фуқаролик-процессуал кодекси, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонулар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Воёга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари, бинобарин ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ва ҳомийлар ҳимоя қилади.

Фарзандликка олишда қандай қонун-қоидалар бори?
Имкони бўлса бу ҳақда тафсилот билимчи эдик.
Х.Шерова,
Миробод тумани

— Воёга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун уларни фарзандликка олишга йўл қўйилади. Болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш фарзандликка олишнинг асосий шартидир. Бола манфаатлари дейилганда биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шартнош яратилиши таъминланади.

Фарзандликка олиш (берил) масаласини ҳал қилишда қатор муҳим факторларни эътиборга олиш ва ҳар бир фарзандликка олишга индивидуал ёндашиш керак. Болага унинг манфаатларини мумкин қадар тўлақонли таъминлаш олдидан оилани танлаш учун унинг руҳий ҳолати, шу билан бирга феъл-аълоғи ўзига хос хусусиятлар, у фарзандликка олинаётган оиланинг моддий ва маънавий шартнош эътиборга олиниши лозим.

Фақат воёга етмаган болалар, яъни 18 ёшга ўлмаган болалар фарзандликка олиниши мумкин, лекин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасида назарда тутилган тартибда эммансация қилинган шахслар фарзандликка олиниши мумкин эмас. Чунки шахс воёга етиш ёки эммансация қилиш оқибатида тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлади ва унинг тарбиялашга, ҳуқуқ ва манфаатлари ўзига шахслар томонидан ҳимоя қилинишига зарурат қолмайди, яъни фарзандликка олишнинг асосий мақсади — боланинг оилада тарбияланиши таъминлаш зарурати ўз аҳамиятини йўқотди.

Эътироф этиш ўринлики, фарзандликка олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига белгиланган бўлибди. 2013 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари йиғини "Фарзандликка олиш" деб номланган 20-бобига қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Унга кўра, фарзандликка олишга фақат воёга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахсининг) аризаасига кўра, вазийлик, ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослигини ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Кўп ҳолларда кўча-кўйда маънавий зарар етказибди, деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Маънавий зарар ўзи нима?

Ф.Иноятлов,
Яшнобод тумани

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатланган.

Жисмоний шахс ҳар қандай бошқалар билан муносабатда, мулоқотда, муомалада, музокарада бўлар экан, булар асосида у ўзининг бир қатор қонуний ҳуқуқларидан фойдаланади, унинг баъзи қонуний манфаатларини рўйбега чиқади, шу билан бирга бошқалар томонидан унга моддий ва маънавий зарар етказилади, ҳуқуқлари поймол бўлади, шунинг билан бир қаторда ўзи ҳам қўлининг қонун ҳужжатлари ва эркинликларини бузиши, ўзининг қонуний мажбуриятларини бажармаган ҳолатда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйиши, бошқаларга зарар етказиши мумкин.

Зарар моддий ва маънавий қўриқда бўлади. Моддий зарар шахсининг мол-мулкига етказилган зарар, бу дегарлар баъзага тушунарли. Лекин, маънавий зарар ҳақида аҳолида етарли маълумот мавжуд эмас.

Маънавий зарар шахсининг қадри-қиммати, ор-номуси, ишчанлик обрў-эътибори, ҳаёти, соғлиғи, шахсий сирини, оилавий сирини, шахсий ҳаётининг дахлсизлигини қонуний манфаатларига, муаллифлик ҳуқуқи, ўз номидан ўзи фойдаланиш ҳуқуқи каби шахсий номлуқлик ҳуқуқларига, мулк ҳуқуқи, ўй-жой дахлсизлигини қонуний ҳуқуқларига пўтур етказишдан иборат бўлади. Жабрланувчида етказилган қимматини, қўнчилиги ичида изза қилиш, жисмоний оғриқ бериш, зарар қўриш, ноқулайлик каби жисмоний азоб ва бошидан кечирган маънавий, руҳий азоблар оқибатида зарар етказувчидан жабрланувчида моддий зарардан, яъни ҳақиқатда етказилган зарардан ташқари маънавий зарар ҳам ундирилиши қонун билан қафолатланган.

Маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирдагина, яъни унинг айби суд томонидан аниқланган, зарар етказилган деб топилган ҳоллардагина зарар етказувчи томонидан қопланади.

Жисмоний ва маънавий, руҳий азоблар оқибатида зарар етказувчидан жабрланувчида маънавий зарарни ундирдиш асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Мехнат кодекси асосида ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига маънавий зарар пул билан қопланиши қўрсатиб ўтилган. Мехнат кодексида эса, жисмоний ёки маънавий, руҳий азоблар иш берувчи ва ҳодим ўртасида содир бўлишига икки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ҳодим ўртасида қилинган мувофиқ равишда қопланиши таъминланган.

Акрамжон ХУЖАМОВ,
Жасур СИРОЖЕВ,
Саида АБДУРАХМАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристик малакасини ошириш
маркази таъинловчилари

Қилмиш — қидирмиш

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, баъзан алданиб қолганимни англаб етмайсан. Ана шундай воқеалардан бири Янқасарой тумани кўчаларида бирида содир бўлди.

Нодира Бобоқонова ўз иши билан туман давлат солиқ идорасига бораётган эди. Бир йигит олдиндан тез ўтиб кета туриб, ҳамени ерга тушиб кетди. Соғиналар ичида унинг орқасидан яна бир йигит келиб, ерга тушиб ётган пулни олди. Нодирада аёлга юзлаб пулни, "сиз кўрдингиз, менга шикоят, бу пулни қилиб олмангиз", деб Нодирадан сўради. Нодира пулни олиб, "сиз кўрдингиз, менга шикоят, бу пулни қилиб олмангиз", деб Нодирадан сўради. Нодира пулни олиб, "сиз кўрдингиз, менга шикоят, бу пулни қилиб олмангиз", деб Нодирадан сўради.

Нодира хайрон қолди. Бирдан сўмадаги пуллари олиб отмоқчи эди бобори йигит "агарда ташлаб хайронсангиз пулни олиб олди", деб бақираман, дея қўқитди.

Улар гаплашиб турган маҳал "пулни йўқотган" йигит келиб қолди.

— Мен Чирчиқдан келган эдим, автомашини сотиб олмоқчи бўлиб келганман, ҳозир шу атрофда 6 минг АҚШ долларини йўқотди кўйим. Сизлар олмангизларми, — деб сўради.

— Йўқ, — деди Нодиранинг олдиндаги йигит.

— Сизларни олмангизларми йўқотган бўлди!

— Йўқ, биз олганми, — дея йигитни нарига боради, — унинг қўлига бир нималарни пичирлади. Кейин Нодирага юзланиб, "сўмадаги пуллари олишим керак", — деди.

— Майли олинг, — деди Нодира.

Шунда халғи йигит уларга қараб турган йигитни кўрсатиб, "бизга қараб турибди, мен ҳозир бу пулни олмаганман. Менга гаров сифатида тилгаларингизни берасиз, бўлмаса пуллари шу аёл топиб олган", деб бақираман, — деб қўқитишга тушди.

Кўрким кўнган Нодира унинг тақдирини қўлиб бўлди. Нодира йигит йигитга тақдирини 2 млн. 400 минг сўмлик тилгаларини бериб юборди. Рози бўлиб ўзи йўли томон кетди. Афсуски, орамизда жуда ҳам содда, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган инсонлар ҳали-ҳамон учраб туради. Уларнинг айбисиз айбдор бўлиб қолишига жуда ачинарли. Нодира ҳам шундайлар сирасига қиради.

Йигитлар Фарход бозори томонга кетишди.

Улар ўз ишларидан хурсанд эдилар. Биргаликда Фарход деҳон бозорига борибди, тилла занжирларни 1 млн. 400 минг сўмга пуллашди ва бу пуллари бўлашиб оlishди.

Бу икки ошна — Қамариддин Тўхтаев ва Бахтиёр Равшановлар илгарти бир неча бор судланган бўлишларига қарамай яна такроран жиноят қўл уришди. Ушбу содир этилган жиноят исзис қолмади.

Хуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар сай-ҳаракати билан жиноятчилар қўлга олинди.

Энг қизиғи судланувчилар таржимани ҳолига назар ташласангиз, ҳайран қоласиз. Қамариддин Тўхтаев 1976 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Оилали. Мўқаддам судланган. Яъни, Тошкент шаҳар Бектемир тумани судининг 1999 йил 11 март кўнги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 1 қисми билан айбдор деб топилди, амнистия актига асосан жазодан озод этилган.

Бухоро шаҳар Тўқимачи тумани судининг 2002 йил 28 март кўнги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси билан айбонлиб, 9 йилга озодликдан маҳрум этилган. Амнистия туфайли жазосини бир қисми қисқартрилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир тумани судининг 2008 йил 23 сентябрь кўнги ҳукмига кўра, Жиноят Кодексининг 168-моддаси билан 4 йил озодликдан маҳрум этилган.

Унинг шериги Бахтиёр Равшанов ҳам бир неча бор судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган. Чиланозар ва Миробод туман судлари томонидан унга нисбатан ҳукм эълон қилинган. Жазони ўтаб чиққанлардан. Қўр-қўри қоронғида топади, деганларидек, улар 2015 йил 6 ойларидида танишиб, уфалатчилик қилиб юришди. Оқибатда юқоридаги талончилик жиноятини содир этишди.

Суд мажлисида судланувчилар айбига тўлиқ иқор бўлишди. Олган пуллари тўлиқ эгасига қайтаришди. Жабрланувчи уларни кечирди, аммо қонун уларни кечирмади. Қамариддин Тўхтаевга Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" банди билан айбдор деб топилди, 6 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Бахтиёр Равшановга ҳам Жиноят кодексининг худди шу моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, айб эълон қилинди. Унга нисбатан 5 йил 6 ой мuddатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Хулоса қилиб айтишда бўлсак, "қўза кунда эмас, қўнда синди" накли бежизга айтилмаган. Жиноятчилар шу мақолни ёддан кичирмасинлар, чунки жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди, қилган қилмишнинг учун эртанги кечмида жавоб бераман.

Сардор ТОШХҲАЕВ,

Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧК Тошкент минтақавий филиалида бошлангич баҳоси босқичида босқичи охири бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Сергели тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Юқориқўриқ тумани судининг 2017 йил 29 январдаги ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги бино ва иншоот қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Безакчилик кўчаси, 14-йил манзилида жойлашган умумий ер майдони 346 кв.м. бўлган суҳари цехи биноси. **Бошлангич баҳоси — 311 213 242 сўм.**

II. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, М.Хайдар кўчаси, 54-йил манзилида жойлашган умумий ер майдони 481 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси. **Бошлангич баҳоси — 778 244 561 сўм.**

Аукцион савдосига 2017 йил 5 май кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 3 май кўни соат 18:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокидеда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидеда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'shmas mulk savdo xizmati" МЧК Тошкент минтақавий филиалининг "Илак йўли банки" АИТБ СМБ филиалидаги х.р. 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 07122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-йил. Тел./факс: (0597) 774-35-53. www.1kms.uz, rieltasavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧК бошлангич баҳоси босқичида босқичи охири бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2017 йил 3 май кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани СИБ томонидан 05.05.2015 йилдаги 17-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Фирдавсий 3-тор кўчаси, 17/17А-йил манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 232,81 кв.м. иборат бўлган турар жой биносининг S қисми. **Бошлангич баҳоси: 795 257 100 сўм.**

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Сергели тумани судининг 16.01.2017 йилдаги №1-18/1042/17 сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қора-тош кўчаси, 1-йил манзилида жойлашган ер бўлагининг майдони 679,19 кв.м. иборат бўлган 1 ва 3-қаватли маълумий бино ва тиббий ёрдам биноси. **Бошлангич баҳоси: 3 119 352 752 сўм.**

2017 йил 18 апрель кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБ томонидан: 1. ТШХСнинг 28.07.2016 йилдаги №10-1621/10427 сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мўмтоз кўчаси, 5-йил манзилида жойлашган умумий майдони 1162 кв.м. иборат бўлган завод қисми. **Бошлангич баҳоси: 547 782 000 сўм.**

2. ТШХСнинг 25.05.2015 йилдаги №10-1501/6357 сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, С.Маъшадий кўчаси, 210-йил манзилида жойлашган умумий майдони 449 кв.м. иборат бўлган бино. **Бошлангич баҳоси: 832 459 000 сўм.**

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йил манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокидеда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнларида) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангич баҳоси бир иш кўни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабдорлар мулкнинг бошлангич баҳосининг 10 фоиз миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидеда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо тақдирини қўйиш шарт. — "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧКнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х.р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 071 225 885. Аукцион қўлиб сотиб олган мулк қўйиматини 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йил. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz.

Лицензия: RR-0052.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтини қошидаги 2-сонли академик лицейининг директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Реклама ўрнида

"O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI" AJ "O'ZTEMIRYO'LQURILISHMONTAJ" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Наврўз байрами билан кутлайди.
Тинчлик, хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ,
бахт-саодат, эл-юрт фаровонлиги
йўлидаги эзгу ишларингизда
муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.
Баҳор, янги ланиш айёми,
барчангизга муборак бўлсин, азизлар!

"TOSHKENTGAZSAVDO" MAS'ULIYATI ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни тўкин-сочинлик,
меҳр-саховат, янги ланиш ва
яшариш байрами бўлмиш Наврўзи олам
билан чин қалбдан муборакбод этади.
Наврўз юртимизга тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат олиб келсин!
Серкуёш заминимиз янада гуллаб-яшнайверсин,
обод ва фаровон турмушимиз бардавом бўлсин.
Кўклар шукуҳи қалбларимизни йил бўйи тарк этмасин!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани "ягона дарча" маркази томонидан 23.01.2017 йилда №009772-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ELEKTR TARMOQ METAL SERVIS" МЧЖ (ИНН 304559344) таъсисчиларнинг 11.01.2017 йилдаги №3 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99871 140-11-55

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Best realtor" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Юнусобод туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2016 йилдаги 2-418/6-16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 56,52 кв.м., яшаш майдони 35,76 кв.м., 2 та яшаш хонаси, дахлиз, тахмон, ошхона, хожатхона ва ювиниш хонасидан иборат бўлган 52-хонадон. **Бошлангич баҳоси — 190 905 908 сўм.**

2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2016 йилдаги 2-418/6-16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 64,94 кв.м., яшаш майдони 41,38 кв.м., 3 та яшаш хонаси, йўлак, тахмон, хожатхона, ошхона, ювиниш хонаси, айвондан иборат бўлган 68-хонадон. **Бошлангич баҳоси — 226 720 653 сўм.**

Аукцион савдолари 2017 йил 21 апрель куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн тарзида топшириш мумкин. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 19 апрель куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445 ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

ди. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи — 17-19 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,

Тошкент шаҳрида 31 март куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эса-

ди. 31 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 335

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12959 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15:10

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ